

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ  
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ  
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.Fil.21.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЭРГАШЕВА ГЎЗАЛ ҚУРБОНАЛИЕВНА**

**РУС ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИ ПСИХОЛОГИЯ ТЕРМИНЛАРИНИНГ  
ЛЕКСИК-СЕМАНТИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

**10.00.06 - Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва таржимашунослик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2018**

УДК: 811.161.1'37'276.6  
811.512.133'37'276.6

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по филологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on philological sciences**

**Эргашева Гўзал Курбоналиевна**

Рус ва ўзбек тиллари психология терминларининг  
лексик-семантик хусусиятлари.....3

**Эргашева Гузал Курбоналиевна**

Лексико-семантические особенности психологических  
терминов в русском и узбекском языках.....21

**Ergasheva Guzal Kurbonaliyeva**

Lexico-semantic Features of Psychological terms in the  
Russian and Uzbek languages.....39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works.....43

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ  
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ  
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.Fil.21.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ЭРГАШЕВА ГЎЗАЛ ҚУРБОНАЛИЕВНА**

**РУС ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИ ПСИХОЛОГИЯ ТЕРМИНЛАРИНИНГ  
ЛЕКСИК-СЕМАНТИК ХУСУСИЯТЛАРИ**

**10.00.06 - Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва таржимашунослик**

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2018**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.1.PhD/Fil.90 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) веб-саҳифанинг [www.tashgiv.uz](http://www.tashgiv.uz) ҳамда «ZiyoNet» Ахборот таълим портали [www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Муҳамедова Саодат Худойбердиевна**  
филология фанлари доктори

**Расмий оппонентлар:**

**Дадабоев Ҳамидулла Арипович**  
филология фанлари доктори, профессор

**Латипов Оқил Жўрақулович**  
филология фанлари номзоди, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Ўзбекистон Миллий университети**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат шарқшунослик институти, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Ўзбекистон миллий университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.Fil.21.01 рақамли Илмий кенгашнинг «\_\_» \_\_\_\_\_ 2018 йил соат \_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100047, Тошкент, Шаҳрисабз кўчаси, 25-уй. Тел: (99871) 233–45–21; факс: (99871) 233–52–24; e-mail: [sharq\\_ilmiy@mail.ru](mailto:sharq_ilmiy@mail.ru)).

Диссертация билан Тошкент давлат шарқшунослик институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100047, Тошкент, Шаҳрисабз кўчаси, 25-уй. Тел: (99871) 233–45–21.

Диссертация автореферати 2018 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2018 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_ рақамли реестр баённомаси)

**А.М.Маннонов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

**Қ.П. Содиқов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, филол.ф.д., профессор

**Г.Х. Боқиева**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, филол.ф.д., профессор

## **КИРИШ (филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳон тилшунослиги, хусусан, қиёсий ва чоғиштирма тилшуносликда фан ва технология, ижтимоий-гуманитар, сиёсий соҳалар бўйича терминларни тадқиқ қилишга бўлган эҳтиёж янада кучаймоқда. Жумладан, психология фани терминологиясида янги тушунчалар, уларни ифодаловчи янги терминларнинг пайдо бўлиши рус ва ўзбек тилларидаги психология терминларини чоғиштирма аспектда тадқиқ этиш, яъни рус ва ўзбек тилларидаги психология терминларининг синонимик, антонимик, гипонимик, градуонимик каби маъновий, омонимик, паронимик каби шаклий муносабатларини аниқлаш, психология терминлари луғатини тузиш хусусиятларини ёритиш бўйича илмий тадқиқот ишларини олиб бориш муҳим аҳамият касб этади.

Дунё тилшунослигида психология терминларининг чоғиштирма таҳлилида ўрганилаётган тиллар лексикасидаги систем муносабатларни ривожлантириш, тиллараро қиёсий-чоғиштирма, таснифий, тавсифий тадқиқотлар олиб бориш, психология терминларининг босма ҳамда электрон луғатларини яратиш, ўхшаш ва фарқли хусусиятлари, лексик-семантик муносабатларидаги тафовутларни аниқлаш бўйича илмий изланишларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу сабабли психология терминларининг жамият аъзолари менталитети, дини, урф-одатлари билан боғлиқлиги, терминологиянинг ички лексик захираси ташқи лексика таъсири ҳисобига бойиб боришини очиб бериш, рус ва ўзбек тиллари психология терминологиясини чоғиштирма аспектда ўрганиш заруриятини изоҳлайди.

Ўзбекистонда психология терминологияси махсус тадқиқ қилинмагани боис психология терминлари таҳлили ўзбек тилининг қўлланиш доирасини кенгайтиришга хизмат қилади. Инновацион ғоялар ривожланиши билан янги соҳаларнинг терминологияси ҳам тараққий қилиб боради. Шунга кўра тараққиёт тамойилларига асосланган ҳолда «энг аввало, она тилимизнинг қўлланиш доирасини кенгайтириш, унинг тарихий илдизларини чуқур ўрганиш ва илмий асосда ҳар томонлама ривожлантириш бугунги кунда ўта долзарб масалага айланмоқда»<sup>1</sup> Бунда психология терминларининг чоғиштирма таҳлили асосида икки миллат дунёқараши, психологиясининг ўзига хослиги, кўплаб халқаро терминларни ўзбек тилида бериш имкониятларини кўрсатиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикасининг Президентининг 2016 йил 13 майдаги ПФ-4797-сон «Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида»ги, 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича

---

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги «Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида»ги ПФ-4797 Фармони // Халқ сўзи, 2016 йил, 17 май.

Харакатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармонлари, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, 2017 йил 5 апрелдаги «Россия Федерацияси билан Ўзбекистон Республикаси ўртасида савдо-иқтисодий, илмий-техникавий, маданий-гуманитар ва бошқа соҳаларда ҳамкорликни ривожлантириш бўйича минтакалараро ҳамкорликка кўмаклашиш тўғрисида»ги Битим ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологияларни ривожланиши-нинг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация республика фан ва технологиялар тараққиётининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Жаҳон тилшунослигида психология терминларининг тадқиқ ва таҳлили бўйича З.Балакер, И.В.Телятникова, Н.Л.Сердюкова, Е.В.Жучкова, А.М.Клестер, И.Ю.Савостьянова, Г.Н.Хайбулина каби олимлар муайян ишларни амалга оширишган<sup>2</sup>.

Ўзбекистонда психология терминлари тадқиқига бағишланган ишлар сифатида психолог Л.Турсунов, Э.Ғозиевларнинг асарларини келтириш мумкин<sup>3</sup>.

Ўзбек тилининг терминологик тизимлари Х.Дадабоев, Т.Урунов, А.Қосимов, К.Хуррамов, К.Сапаев, А.Мадвалиев, И.Юлдашев, Н.Усмонов, З.Мираҳмедова, Н.Маматов, М.Саидова, Г.Ғуломованинг ишларида тадқиқ қилинган<sup>4</sup>.

---

<sup>2</sup> Балакер З. Структура и функционирование русской психологической терминологии: Дисс. ... канд. филол. наук. – М., 1982. – 192 с.; Телятникова И.В. Семантика, деривация и функционирование номинаций терминосферы «Психология развития»: Дисс. ... канд. филол. наук. – Ставрополь, 2007. – 280 с.; Сердюкова Н.Л. Сопоставительный анализ терминологии психиатрии в английском и русском языках (на материале номинаций и болезненных состояний): Дисс... канд. филол. наук. – СПб., 1998. – 165 с.; Жучкова Е.В. Моделирование отраслевой словарной типологии (на материале словарей по психологии в русском и английском языках): Автореф. дисс. ... канд. филол. наук. – Екатеринбург, 2008. – 25 с.; Клестер А.М. Пути формирования и функционирования терминологии инженерной психологии в немецком языке: Дисс. ... канд. филол. наук. – Омск, 2006. – 155 с.; Савостьянова Ю.И. Микротерминотерминосистема наименований психогностических наук в современном русском языке: Дисс..канд. филол. наук. – Краснодар, 2006. –231 с.; Хайбулина Г.Н. Структурно–семантические особенности психологической терминологии в современном русском языке: Автореф. дисс...канд. филол. наук. –Уфа, 2012.–27 с.

<sup>3</sup> Турсунов Л.С. Психологияда мукамал луғат (тезаурус) тузишнинг ўзига хос хусусиятлари (психологик атамаларни ўзлаштириш асосида): Психол. фан. ном. ... дисс. – Т., 2005. – 174 б.; Ғозиев Э., Турсунов Л. Психологияда мукамал луғат тузиш хусусиятлари (университетларнинг талабалари учун ўқув қўлланма). – Т., 2005.

<sup>4</sup> Дадабоев Х. Общественно-политическая и социально-экономическая терминология в тюркоязычных письменных памятниках XI–XIV вв.: Дисс. ... д-ра. филол. наук. – Ташкент, 1991. – 406 с.; шу муаллиф: Ўзбек тилида морфологик усул билан термин яшаш // Лингвист. Илмий мақолалар тўплами. VII. – Тошкент, 2016. – Б. 4-10; шу муаллиф: Немотивированные термины узбекского языка // Материалы международной практической конференции “Проблемы и перспективы развития высшего образования в современной конкретной среде”. II том. 30-Наурыз. – Шымкент, 2017. – С. 95-100; Урунов Т. Узбекская

Психология терминологияси яхлит бир система сифатида монографик планда ўрганилмаганлиги, қардош ва қардош бўлмаган тиллар материаллари билан қиёсланмаганлиги ёки чоғиштирилмаганлиги илмий тадқиқот ишини олиб боришни тақозо қилади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг «Хорижий ва она тилининг қиёсий типологияси» банди доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** рус ва ўзбек тиллари психология терминларининг лексик-семантик хусусиятларини чоғиштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

тилшуносликда психология терминларининг назарий жиҳатдан ўрганилганлик даражасини ёритиш;

психология терминларининг луғатларда берилишини изоҳлаш;

рус ва ўзбек тиллари психология терминларининг мавзуий гуруҳларини таснифлаш;

рус ва ўзбек тилларидаги психология терминларининг синонимик, антонимик, гипонимик, градуонимик каби маъновий, омонимик, паронимик каби шаклий муносабатларини аниқлаш;

психология терминлари семантикасидаги ўхшаш ва фарқли жиҳатларни кўрсатиш;

тадқиқотга тортилган терминологик тизимларнинг шаклланиш ва бойиш манбаларидаги ўхшаш ва фарқли жиҳатларни ёритиш;

ҳар икки тилдаги психология терминларининг ясалиш андозаларини аниқлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида рус ва ўзбек тилларидаги психология терминлари белгиланган.

**Тадқиқотнинг предмети** рус ва ўзбек тиллари психология терминларининг лексик-семантик, структур, шаклланиш ва бойиш манбаларидаги ўхшаш ва фарқли хусусиятлари ташкил қилади.

---

овцеводческая терминология (на материалах Кашкадарьинской области) Автореф. дисс. ...канд.филол.наук. – Т., 1964; Косимов А. Фармацевтическая терминология в современном узбекском языке: Автореф. дисс. ...канд.филол.наук. – Т., 1982; Хуррамов К. Узбекские народные географические термины, обозначающие рельеф Южного Узбекистана: Автореф. дисс. ...канд.филол.наук. Т., 1984; Сапаев К. Строительная терминология узбекского языка: Автореф. дисс. ...канд.филол.наук. –Т., 1984; Мадвалиев А. Узбекская химическая терминология и вопросы ее нормализации. Автореф. дисс. ...канд.филол.наук. – Т., 1986; Юлдашев И.Ж. Библиотечно–библиографическая терминология узбекского языка: Автореф. дисс. ...канд.филол.наук. – Т., 1988; Усмонов Н. Ўзбек тилининг педагогик терминологияси: Филол.фан.ном. ...дисс.автореф. – Т., 1994; Мирахмедова З. Ўзбек тилининг анатомик терминологияси: Филол.фан.ном. ...дисс.автореф. – Т., 1994; Маматов Н. Узбекская хлопководческая терминология: Автореф. дисс. ...канд.филол.наук. – Т., 1995; Саидова М. Наманган шеваларидаги қариндошлик терминларининг лексик-семантик таҳлили: Филол.фан.ном. ...дисс.автореф.–Т., 1996; Ғуломова Г.Ё. Ўзбек юридик терминологиясининг истиқлол даври тараққиёти: Филол.фан.ном. ...дисс.автореф.–Т., 2005. ва бошқалар.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда адекват ҳолатда ўрганишни таъминлашга қаратилган қиёсий-чоғиштира, тавсифий, компонент таҳлил, структур ва статистик методлар қўлланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

рус ва ўзбек тилларидаги психология терминларининг синонимик, антонимик, гипонимик, градуонимик муносабатлари чоғиштира-типологик асосда исботланган;

рус ва ўзбек тилларидаги психология терминлари ўртасидаги омонимик (бошқа терминологик системадаги терминлар билан), паронимик муносабатлар далилланган;

рус ва ўзбек тилларида психология терминларининг ҳозирги босқичдаги ҳолати изоҳланган, терминологиянинг ички лексик захираси ташқи лексика таъсири ҳисобига бойиб бориши исботланган, ўзлашмаларнинг миқдорий даражаси аниқланган;

психология терминларининг қўлланиш даражасига кўра турлари тасниф қилиш натижасида уларнинг ишлатилиши жамият аъзоларининг менталитети, дини, урф-одатлари билан боғлиқлиги очиб берилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

ўзбек тилидаги психология терминларининг қўлланиши бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган;

мутахассис ва талабалар учун психологиядан русча-ўзбекча мавзуий (таржима) луғат яратилган;

психология терминларининг чоғиштира таҳлили асосида икки миллат дунёқараши, психологиясининг ўзига хослиги, кўплаб халқаро терминларни ўзбек тилида бериш имкониятлари тизимлаштирилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқотда чиқарилган хулосаларнинг изчиллиги, муаммонинг аниқ қўйилиши, ишда қўлланилган ёндашув ва усуллар, фактик тил материаллари ва тегишли ташкилотлар тавсиясига кўра чоп этилган нашрлардан олинганлиги, таҳлилларда айнан рус ва ўзбек тилларининг табиатидан келиб чиқилганлиги, натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти терминларни тартибга солиш муаммолари, рус ва ўзбек тиллари психология терминларининг мавзуий гуруҳлари, лексик-семантик муносабатлари, маъно ва шакл муносабатлари умумий терминология ҳамда қиёсий-чоғиштира тилшунослик нуқтаи назаридан ўрганилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти тадқиқот материалларидан “Лексикология”, “Чоғиштира тилшунослик” ва “Психоллингвистика” бўйича дарслик ва ўқув қўлланмалар яратиш, шу соҳалар бўйича семинарлар ўтказиш, курс ишлари, магистрлик диссертациялари, битирув малакавий ишларини ёзиш ҳамда изоҳли ёки икки ва ундан ортиқ тилли луғатлар тузиш мумкинлиги билан белгиланади.



**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Рус ва ўзбек тиллари психология терминларининг лексик-семантик хусусиятлари юзасидан ишлаб чиқилган услубий ва амалий таклифлари асосида:

рус ва ўзбек тилларидаги психология терминларининг синонимик, антонимик, гипонимик, градуонимик муносабатлари чоғиштирма-типологик асосда исботланган хулосалардан А-1-209 рақамли «Маданиятлараро ва коммуникатив ёндашув нигоҳида магистратура мутахассислиги бўйича назарий фанлардан инглиз тилида дарслик, ўқув қўлланмалар яратиш ва ўзбекча-русча-инглизча лингвистик терминлар луғатини тузиш» мавзусидаги амалий лойиҳада фойдаланилган (Фан ва технологиялар агентлигининг 2017 йил 22 декабрдаги ФТА-02-11/1348-сон маълумотномаси). Натижада психологик терминларнинг ясалиши, структур-семантик андозалари ва генетик таҳлили юзасидаги назарий қарашлар бойитилган;

рус ва ўзбек тилларидаги психология терминлари ўртасидаги омонимик (бошқа терминологик системадаги терминлар билан), паронимик муносабатлар далилланган хулосалардан ИОТ-2013-1-55 рақамли «Журналистика факультетлари бакалавр ва магистратура босқичи талабалари учун ўқув қўлланмаларнинг янги авлодини яратиш ва нашрга тайёрлаш» мавзусидаги инновацион лойиҳада фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2017 йил 21 декабрдаги 89-03-3363-сон маълумотномаси). Натижада журналистлар учун тайёрланган қўлланмада диссертация материаллари журналистика соҳасида қўлланилаётган психология терминларини ёритиб беришда манба бўлиб хизмат қилган;

рус ва ўзбек тилларида психология терминларининг ҳозирги босқичдаги ҳолати изоҳланган, терминологиянинг ички лексик захираси ташқи лексика таъсири ҳисобига бойиб бориши исботланган, ўзлашмаларнинг аниқланган миқдорий даражасидан ФА-Ф1-Г041 рақамли «Ўзбек тили лексикасининг мустақиллик даври тараққиётини тадқиқ этиш» мавзусидаги фундаментал лойиҳа доирасида фойдаланилган (Фан ва технологиялар агентлигининг 2017 йил 22 декабрдаги ФТА-02-11/1348-сон маълумотномаси). Натижада инсон ва унинг психологиясини белгиловчи мезонларни ёритиб берувчи терминларнинг шаклланиши, мавзуий гуруҳларига оид илмий қарашларнинг бойитилишга хизмат қилган;

психология терминларининг қўлланиш даражасига кўра турлари тасниф қилиш натижасида уларнинг ишлатилиши жамият аъзоларининг менталитети, дини, урф-одатлари билан боғлиқлиги очиб берилган хулосалардан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги «Ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 187-сонли қарори билан тасдиқланган 2–9-синфлар учун ўзбек тили фани давлат таълим стандартларини такомиллаштириш ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 803-Фармойиши асосида 10–11-синфлар учун давлат таълим стандартларини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Республика таълим марказининг 2018 йил 20 февралдаги

01/11-01/4-221-сон маълумотномаси). Натижада психология терминларининг қўлланиш даражасига кўра турлари таснифлаштирилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 9 та, жумладан, 4 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 9 та мақола, жумладан, 7 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, уч боб, хулоса ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган бўлиб, умумий ҳажми 141 саҳифадан иборат.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Ишнинг **Кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурияти, республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, тадқиқотнинг назарий ва амалий аҳамияти, объекти, предмети, илмий янгилиги, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, тадқиқот натижаларининг апробацияси, тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши ҳақида маълумотлар берилди.

Диссертациянинг **«Психологияга оид терминлар лингвистик тадқиқотлар объекти сифатида»** деб номланган биринчи бобида терминларга оид назарий қарашлар, хусусан, терминларни тартибга солиш масалалари, жаҳон тилшунослиги жумладан, Ватанимизда психология терминларини ўрганишнинг илмий-назарий асослари ёритилган.

*Термин* лотинча «*terminus*» сўзидан олинган бўлиб, *чегара, чегара белгиси, чек* маъноларини англатади<sup>5</sup>. В.Н.Шевчук терминга қуйидагича таърифни беради: «Термин – бу сўз бўлиб, ўрта асрларда «аниқлаш», «ифодалаш» деган маъноларни билдирган, қадимий француз тилида мавжуд бўлган «*terme*» лексемаси «сўз» деган маънони ифодалаган»<sup>6</sup>. А.А.Реформатский таърифича, термин сўз ҳисобланиб, улар ўзининг алоҳида ва махсус белгилари билан чегараланади, терминлар фан, техника, иқтисод, сиёсат ва дипломатия соҳаларидаги бир маъноли, аниқ сўзлардир<sup>7</sup>. В.П. Даниленко термин сўзига ўзгача ёндашади: «Терминлар - луғат таркибининг бир қисми ҳисобланиб, фан ва соҳалар предметининг аниқловчисидир»<sup>8</sup>. Ўзбек тилшуносларининг фикрича, терминга қуйидагича таъриф бериш мумкин: «Фан, техника ва бошқа соҳага оид нарса ҳақидаги

<sup>5</sup>Крысин Л.П. Толковый словарь иноязычных слов. –М., 1998. –503 с.

<sup>6</sup>Шевчук В.Н. Производные военные термины в английском языке.–М., 1983. – С.6

<sup>7</sup>Реформатский А.А. Термин как член лексической системы языка // Проблемы структурной лингвистики.– М., 1968. –С.110.

<sup>8</sup>Даниленко В.П. Русская терминология. Опыт лингвистического описания.–М., 1977. –С.15.

тушунчани аниқ ифодалайдиган, ишлатилиш доираси шу соҳалар билан чегараланган сўз ёки сўз бирикмаси *термин* деб аталади. Терминлар бир маъноли бўлиши, экспрессивлик ва эмоционалликка эга бўлмаслиги каби белгилари билан ҳам умумистеъмолдаги сўзлардан фарқланади. Масалан, лингвистика терминлари: *ган, эга, от, сон, товуш*; геометрияга оид: *айлана, учбурчак*; физикага оид: *жисм, босим, ҳаракат, майдон*; кимёга оид: *сув, кумуш, ишқор, тузлар* ва бошқалар<sup>9</sup>.

О.С.Аҳмедов «...термин ва терминология борасидаги назарий фикрларни ўрганиб, умумлаштирган ҳолда, ўз келиб чиқишига кўра «термин» замонавий тушунча тамойилига асосан «ҳад», «чегара» эмас, аксинча, муайян соҳаларда (иқтисодиёт, қонунчилик, ҳуқуқ, солиқ, божхона, молия, банк иши, сиёсат, фан, дипломатия) аниқ тушунчани ифода этадиган, махсус вазифани бажарадиган сўз ва сўз бирикмалари бўлиб, ўзининг семантик нуқтаи назаридан махсус соҳа доираси билан чегараланган ҳамда шу соҳага оид тушунчани ифодаловчи лексик бирлик»<sup>10</sup>, - деган хулосага келган. Биз ўз тадқиқотимизда О.С.Аҳмедовнинг фикрини маъқуллаган ҳолда терминга «сўз ва сўз бирикмалари бўлиб, ўзининг семантик нуқтаи назаридан махсус соҳа доираси билан чегараланган ҳамда шу соҳага оид тушунчани ифодаловчи лексик бирлик» сифатида ёндошдик.

Ушбу бобда рус ва ўзбек тиллари психология терминларининг луғатларда акс этиши ҳам кўриб чиқилган.

Рус тилшунослигида психологияга доир қатор луғатлар, энциклопедиялар нашр этилган. Хусусан, Л.А. Карпенко томонидан тузилган «Психология. Словарь»га 1000дан ортиқ термин киритилган ва изоҳланган. 2007 йилда мутахассислар-психологлар, психоаналитиклар, психиатр-врачлар, психотерапевтлар, тиббиёт институтлари талабалари, шунингдек, психология билан қизиқувчиларга мўлжалланган муҳим асар 5000дан ортиқ термин ва тушунчани қамраб олган «Большая психологическая энциклопедия»<sup>11</sup> (БПЭ) рус тилида нашр этилди.

Ўзбекистонда 1963 йилда Ш.Байбурова ва Н.Таканаевлар томонидан «Педагогикадан қисқача русча-ўзбекча луғат» нашр этилган<sup>12</sup>. Муҳими шундаки, мазкур луғатдаги жами мингтага яқин терминнинг қарийб уч юзтаси бевосита психологияга оиддир. Бундай ҳолатни педагогика билан психологиянинг бир-бири билан узвий алоқада эканлиги билан изоҳлаш мумкин. Шунга кўра мазкур луғатни ўзбек тилидаги биринчи психологик луғат ҳам дея оламиз. 1998 йилда ўзбек тилида психологияга оид яна бир

<sup>9</sup> Ёўлдошев И., Мухамедова С., Шарипова Ў., Мажидова Р. Тилшунослик асослари. –Тошкент, 2013. –Б.183.

<sup>10</sup> Аҳмедов О.С. Инглиз ва ўзбек тилларида солиқ–божхона терминларининг лингвистик таҳлили ва таржима муаммолари. Филол. фан.док-ри...дисс.– Т., 2016. - Б.56 .

<sup>11</sup> Большая психологическая энциклопедия. Самое полное современное издание. – М.: ЭКСМО, 2007. – 543 с. (Қисқартириб БПЭ деб қўллаймиз).

<sup>12</sup> Байбурова Ш., Таканаев Н. Педагогикадан қисқача русча-ўзбекча луғат. – Тошкент: Ўрта ва олий мактаб, 1963. – 88 б.

кичикроқ луғат юзага келди. Бу «Психология. Қисқача изоҳли луғат»<sup>13</sup> деб номланган, юқоридагилардан бир тиллиги билан фаркланадиган луғатдир. Луғатга 585та якка, кўшма, бирикма термин ҳамда 23та персоналия киритилган. Психологияга оид терминларнинг барчаси қисқача изоҳ билан таъминланган. Э.Ғозиев, Л.Турсуновларнинг «Психологияда мукамал луғат тузиш хусусиятлари» (университетларнинг талабалари учун ўқув қўлланма) асари гарчи луғат бўлмаса-да, у ўзбек тилида психологияга оид терминология масалаларига оид муҳим китоб ҳисобланади.

Шунингдек, тадқиқотнинг биринчи бобида психология терминларининг тадқиқи таҳлил қилинди. Рус тилшунослигида деярли барча соҳалар терминологик тизимлари атрофлича ўрганилган тадқиқотлар сирасида психологияга оид терминологияни тадқиқ қилишга бағишланган кўплаб ишлар мавжуд. Бундай тадқиқотларга З.Балакер<sup>14</sup>, Н.Л.Сердюкова<sup>15</sup>, И.Ю.Савостьянова<sup>16</sup>, А.М.Клестер<sup>17</sup>, И.В.Телятникова<sup>18</sup>, Е.В.Жучкова<sup>19</sup>, Г.Н.Хайбулина<sup>20</sup> ларнинг ишларини киритиш мумкин.

Ўзбекистонда психологияга оид терминологик тизимни ўрганишга бағишланган тадқиқотлар кўп бўлмай, уларда асосан лексикография муаммолари ёритилган. Л.Турсуновнинг «Психологияда мукамал луғат (тезаурус) тузишнинг ўзига хос хусусиятлари (психологик атамаларни ўзлаштириш асосида)» мавзуидаги диссертациясида таъкидланишича: «Психология фани учун муҳим аҳамият касб этадиган жабҳалардан бири – бу психологияга оид термин ёки атаманинг яхлит моҳияти, тузилиши, хусусияти, феноменал томонлари тўғрисида мукамал маълумотларни мужассамлаштириш ҳодисасидир»<sup>21</sup>.

Ўзбек тилидаги психологияга оид терминлар ўрганилган яна бир иш Э.Ғозиев, Л.Турсуновларнинг «Психологияда мукамал луғат тузиш хусусиятлари (университетларнинг талабалари учун ўқув қўлланма)» асари ҳисобланади. Кўринадики, шу вақтгача ўзбек тилшунослигида психологияга оид терминлар яхлит бир система сифатида монографик тадқиқот сифатида ўрганилмаган.

---

<sup>13</sup> Психология. Қисқача изоҳли луғат. Тузувчилар: М.Давлетшин, Ё.Алимкулов, А.Убайдуллаев, У.Умаров, Ф.Алимова, С.Тўйчиева. – Тошкент: Тошкент давлат педагогика университети, 1998. – 46 б.

<sup>14</sup> Балакер З. Структура и функционирование русской психологической терминологии: Дисс... канд. филол. наук. – М.: 1982. – 192 с.

<sup>15</sup> Сердюкова Н.Л. Сопоставительный анализ терминологии психиатрии в английском и русском языках (на материале номинаций и болезненных состояний): Дисс... канд. филол. наук. – СПб., 1998. – 165 с.

<sup>16</sup> Савостьянова Ю.И. Микротерминосистема наименований психогностических наук в современном русском языке: Дисс... канд. филол. наук. – Краснодар: 2006. – 231 с.

<sup>17</sup> Клестер А.М. Пути формирования и функционирование терминологии инженерной психологии в немецком языке: Дисс. канд. филол. наук. – Омск, 2006. – 155 с.

<sup>18</sup> Телятникова И.В. Семантика, деривация и функционирование номинаций терминосферы «Психология развития». Дисс... канд. филол. наук. – Ставрополь: 2007. – 280 с.

<sup>19</sup> Жучкова Е.В. Моделирование отраслевой словарной типологии (на материале словарей по психологии в русском и английском языках): Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Екатеринбург, 2008. – 25 с.

<sup>20</sup> Хайбулина Г.Н. Структурно-семантические особенности психологической терминологии в современном русском языке. Автореф. дисс... канд. филол. наук. – Уфа, 2012. – 27 с.

<sup>21</sup> Турсунов Л.С. Психологияда мукамал луғат (тезаурус) тузишнинг ўзига хос хусусиятлари (психологик атамаларни ўзлаштириш асосида): Психол. фан. номз... дисс. – Т., 2005. – 74 б.

Ишнинг иккинчи боби «Рус ва ўзбек тиллари психология терминларининг семантик-функционал хусусиятлари» деб номланди. Бу бобда рус ва ўзбек тилларидаги терминлар психологиянинг соҳавий йўналишлари ҳамда устувор тушунчалари асосида мавзуй гуруҳларга ажратилди, рус ва ўзбек тиллари психология терминлари ўртасидаги лексик-семантик ва шаклий муносабатлар, улар орасидаги ўхшаш ва фарқли жиҳатлар кўриб чиқилди.

Рус тилидаги мавзуй гуруҳлар Л.А.Карпенко томонидан нашр этилган «Психология. Словарь»<sup>22</sup> номли асар асосида аниқланди. Рус тилидаги бу мавзуй гуруҳлар 28 тадан иборат<sup>23</sup>: «Инженерная психология», «Консультативная психология», «Медицинская психология», «Нейропсихология», «Общая психология», «Патопсихология», «Педагогическая психология», «Психоанализ», «Психоллингвистика», «Психология искусства», «Психология компьютеризации», «Психология личности», «Психология половых различий», «Психология труда», «Психология управления», «Психометрия», «Психотерапия», «Психофизика», «Психофизиология», «Сексология», «Социальная психология», «Специальная психология», «Экстремальная психология», «Этнопсихология», «Юридическая психология», «Методы психологии», «Направления, концепции и школы в психологии», «Зоопсихология».

Шунингдек, рус тили психология терминлари психологиянинг устувор тушунчалари асосида ҳам мавзуй гуруҳларга ажратиб чиқилди. Рус тили мисолида психологиянинг устувор тушунчалари асосида бажарилган тасниф куйидагича кўринишга эга бўлди:

1. «Психические функции (процессы)» («Психик функциялар (жараёнлар)») мавзуй гуруҳи. Бу гуруҳ ўз ичида 9 га бўлинди: 1.1. «Чувства (Эмоции)» («Ҳиссиёт»). 1.2. «Воля» («Ирода») 1.3. «Ощущения» («Сезги»). 1.4. «Мышление» («Тафаккур»). 1.5. «Память» («Хотира»). 1.6. «Речь» («Нутқ»). 1.7.«Воображение» («Хаёл»). 1.8. «Внимание» («Диққат»). 1.9. «Умения, навыки и привычки» («Малака, кўникма ва одатлар»).

2. «Индивидуальные особенности личности» («Шахснинг индивидуал хусусиятлари») мавзуй гуруҳи. Бу гуруҳ ўз ичида иккига бўлинди: 2.1. «Темперамент ва характер». 2.2. «Способности и интересы» («Қобилиятлар ва қизиқишлар»).

Ишда ўзбек тили психология терминлари ҳам соҳавий йўналишларга кўра куйидаги мавзуй гуруҳлари ажратилди:

1. «Инженерлик психологияси». 2. «Консультатив психология ёки маслаҳатлашув психологияси». 3. «Тибиёт психологияси». 4. «Нейропсихология». 5. «Умумий психология». 6. «Патопсихология». 7. «Педагогик психология». 8. «Психоллингвистика». 9. «Санъат психологияси». 10. «Шахс психологияси». 11. «Жинсий фарқлар

<sup>22</sup> Карпенко Л.А. Психология. Словарь. – М.: Изд-во политической лит-ры, 1990. - 494 с.

<sup>23</sup> Автореферат ҳажмидан келиб чиққан ҳолда унда фақат мавзуй гуруҳлар номини кўрсатиш билан чекланамиз. Диссертацияда бу гуруҳларга қайси терминлар кириши батафсил изоҳланган.

психологияси». 12. «Меҳнат психологияси». 13. «Бошқариш психологияси». 14. «Психометрия». 15. «Психотерапия». 16. «Психофизика». 17. «Психофизиология». 18. «Ижтимоий психология». 19. «Махсус психология». 20. «Экстремал психология». 21. «Этнопсихология». 22. «Юридик психология». 23. «Психология методлари». 24. «Психологиядаги йўналиш, концепция ва мактаблар». 25. «Зоопсихология».

Кўринадикки, психологиянинг соҳа ва йўналишлари асос қилиб олинган мавзуй таснифга биноан рус тилида 28 та, ўзбек тилида эса 25 та мавзуй гуруҳ ажратилган. Ўзбек тилида 3та мавзуй гуруҳ йўқ, булар: «Психология компьютеризации», «Сексология» ва «Психоанализ» гуруҳларидир. Бу гуруҳларга кирувчи терминлар ҳали ўзбек тилига етарлича ўзлашмаган, ўзбекча манбалардан жой олмаган. Бунга асосий сабаб - миллий менталитет, дин, тарихий илдизлар, урф-одатлар ёки шу соҳанинг яхши тараққий қилмаганлигидир.

Ўзбек тилидаги психологияга оид терминлар психология фанининг устувор тушунчалари асосида қуйидаги мавзуй гуруҳларга бўлинди:

1. «Шахснинг ҳиссий-иродавий жабҳалари» мавзуй гуруҳи. Бу гуруҳ ўз ичида иккига бўлинади: 1.1. «Ҳиссиёт». 1.2. «Ирода».

2. «Шахснинг психологик хусусиятлари» мавзуй гуруҳи. Бу гуруҳ ўз ичида 3та микрогуруҳга бўлинади: 2.1. «Темперамент». 2.2. «Характер». 2.3. «Қобилиятлар».

3. «Билиш жараёнлари» мавзуй гуруҳи. Бу гуруҳ ўз ичида 7 та микрогуруҳга бўлинади: 3.1. «Сезги». 3.2. «Идрок». 3.3. «Хотира». 3.4. «Тафаккур». 3.5. «Нутқ». 3.6. «Хаёл». 3.7. «Диққат».

Мазкур бобда рус ва ўзбек тилларидаги психологияга оид терминлар ўртасидаги лексик-семантик ва шаклий муносабатлар кўриб чиқилди.

Рус тили психология терминологиясида кўпгина синоним терминлар кузатилди. Булар: *психологическая консультация – психологическая помощь, психостимуляторы – психотерапия, стресс – дистресс, внушенная болезнь – ятрогения, аутогенная тренировка – релаксация, самовнушение, брейнштурминг – мозговая атака, иллюзия – неадекватное восприятие, мимика – выразительные движения.*

Ўзбек тили психология терминологиясида ҳам кўп синоним терминларни кузатиш мумкин: *қарорга келиш – қарор – ечим; касбий консультация – касбга йўналтириш – касбий танлаш; психологик ёрдам – психологик хизмат; илҳомланиш – руҳланиш.*

Рус тилининг психология оид терминлари ўртасида антоним терминлар ҳам фаол равишда кузатилди: *оптимизм – пессимизм, пассивность – активность, внутренняя картина болезни – внешняя картина болезни, эйфория (ўта хурсандлик кайфияти) – дисфория (ўта хафалик кайфияти), депрессия (ўта тушкунлик кайфияти), альтруизм (кўпчиликнинг манфаатини ўйлаш) – эгоизм (фақат ўз манфаатини ўйлаш), аффилиация (кўпчиликни яхши кўриш) – фрустрация (яккаликни яхши кўриш), ипохондрия (мавжуд касалликни яшириш) – симуляция (йўқ касалликни бор деб кўрсатиш).*

Ўзбек тилидаги психологияга оид антоним терминларни таҳлил қилишда уларни: а) лексик антонимлар; б) морфологик антонимлар шаклида кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Хусусан, ўзбек тилидаги психологияга оид терминлар ўртасида қуйидаги лексик антонимлар кузатилди: *психик соғломлик – психик неврозлар, гайри ихтиёрий ҳаракатлар – ихтиёрий ҳаракатлар, муҳаббат – нафрат, узоқ муддатли хотира – қисқа муддатли хотира*, морфологик антонимлар: *адабли – адабсиз, адолатли – адолатсиз, андишали – андишасиз, ақлли – ақлсиз, бардошли – бардошсиз, идрокли – идроксиз, иродали – иродасиз, сабрли – сабрсиз, гайратли – гайратсиз*.

Рус тилидаги психология терминлари ўртасида гипонимик муносабатдаги қуйидаги терминлар кузатилди: *тренинг* гиперонимининг гипонимлари қуйидагилардан иборат: *тренинг делового общения, тренинг перцептивный, тренинг социально – психологический*. *Интерференция* гиперонимининг гипонимлари қуйидагилардан иборат: *интерференция проактивная, интерференция ретроактивная, интерференция селективная*. *Адаптация* гиперонимининг гипонимлари қуйидагилардан иборат: *адаптация сенсорная, адаптация социальная*.

Ўзбек тилида ҳам психологияга оид гиперонимнинг гипонимларини кузатишимиз мумкин: *интервью* гиперонимининг гипонимлари: *диагностик интервью, клиник интервью, психологик интервью*. *Инсон руҳий олами* гиперонимининг гипонимлари сифатида: *сезги, идрок, хаёл, ўй, тафаккур, хотира, ҳиссиёт, ирода, темперамент, характер, қобилият, нутқ (овоз)ни кўрсатиш* мумкин.

Психология терминлари ўртасида семантик муносабатларнинг бошқа тури, яъни градуонимик муносабатлар ҳам борлиги аниқланди.

Рус тили психология терминлари ўртасидаги градуонимик муносабатлар қуйидагича кўринишга эга: *беспокойство – волнение – тревога; влечение – желание – хотение; предположение – иллюзия – галлюцинация*.

Ўзбек тили психология терминлари системасидаги градуонимик муносабатлар ифодаланаётган маъно–мазмун кучайиб боришида намоён бўлади: *идрокли, фаросатли, заковатли, зукко, ақлли; шарткесар, чўрткесар, дангалчи; мўмин, ювош, беозор, юмишқ, мулойим; ҳимматли, саҳий, саҳоватли, хотамтой*.

Одатда омонимик муносабатлар терминологияда ҳам фаол кузатилади. Масалан, П.Нишонов француз ва ўзбек тилларидаги юридик терминологияда омоним терминлар мавжудлигини таъкидлайди<sup>24</sup>. Бизнинг рус ва ўзбек тиллари психология терминологияси юзасидан олиб борган кузатишларимиз натижасида омоним терминлар (ҳар икки тилда ҳам) аниқланмади. Аммо психология терминлари бошқа терминологик тизимдаги терминлар билан омонимик муносабатга киришиши мумкин.

<sup>24</sup> Нишонов Х. Француз ва ўзбек тиллари юридик терминологиясининг қиёсий-типологик тадқиқи: Филол.фан.ном. ...дисс. – Тошкент, 2009. – Б.113.

Паронимик – шаклий ўхшашлик муносабати терминлар ўртасида ҳам кузатилади. Айниқса, рус тилининг психология терминлари қаторида жуда кўп миқдордаги паронимик муносабатда бўлган терминлар мавжуд<sup>25</sup>. Уларни икки гуруҳга бўлиш мумкин:

1. Паронимларнинг ҳар икки жуфти ҳам психологияга оид термин бўлиб, улар ўзаро синонимик муносабат ҳосил қилади, демак, улар ҳам семантик жиҳатдан, ҳам шаклий жиҳатдан ўхшаш муносабатда. Булар: *абстрактность – абстракция, антипатический – антипатичный, воинственный – воинствующий, глупеть – глупить, гневливый – гневный, горделивый – гордый, дармоедный – дармоедский, досадливо – досадно, дуреть – дурить.*

2. Паронимларнинг бир жуфти психологияга оид термин бўлиб, иккинчиси бутунлай бошқа тушунчани ифодалайди, демак, бу жуфтлар фақат шаклий жиҳатдан ўхшаш муносабатни ҳосил қилади: *авантюрин (от-квари) – авантюрист (термин), безликий(термин) – безличный(сифат), безответный (сифат) – безответственный (термин), безыскусный(сифат) – безыскусственный (термин).*

Ўзбек тилидаги психология терминлари ўртасидаги паронимик муносабат жуда кам миқдорда кузатилди. Мавжудларини ҳам иккига ажратиш мумкин: 1) паронимларнинг ҳар икки жуфти ҳам психологияга оид термин бўлиб, улар ўзаро синонимик муносабат ҳосил қилади, демак, улар ҳам семантик жиҳатдан, ҳам шаклий жиҳатдан ўхшаш муносабатда. Булар: *туш кўриш – хуш кўриш; 2) паронимларнинг бир жуфти психологияга оид термин бўлиб, иккинчиси бутунлай бошқа тушунчани ифодалайди, демак, бу жуфтлар фақат шаклий жиҳатдан ўхшаш муносабатни ҳосил қилади. Масалан: эслаш (термин) – эснаш (феъл), жинс (термин) – жинс (от), ҳис (термин) – хос (ёрдамчи сўз), бурч (термин) – мурч(от), ақл (термин) – оқил(сифат), сезги (термин) – севги(от).*

